



Асли хабарнинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида ҳар нимарса амр ва буйрук ила бўлур эди. Халойикнинг диний ва миллий ишларини ислоҳи ва ривожии тўғрисида қилатургон ҳаракатларига йўл берилмас эди. Ҳеч нимарса ҳукуматдин бежавоб ва изнсиз қилина олмас эди. Ҳозирда бўлса, Худойи таоло бизга хуррият берди. Диний ва миллий ислохот ва тараккийимиз учуш ҳаракат ва сайъ этмоқга йўл очукдир.

Хурриятнинг учинчи ойиндамиз. Лекин биз самаркандийлар диний ва миллий ишимизни ривож бермок учун хануз бир иш қила олмагандурмиз. Аҳли жамоат ва гайрат бир неча ёшлар, аҳли мурувват бир неча мўйсафид ва катталаримиз бир неча кун бир бўлиб, баъзи яхши ишларни бажармокчи бўлдилар. Хатто, уламоий қиромдан аксари қўшулмокчи бўлдилар, билкулли қўшилдилар.

Ёшларнинг очган «исломий қулуби» ҳар кун уламо, савдогар ва аҳли қасабадан бир неча дафъа тулуб бўшолуб эди, ишлар яхши кетар эди, умидлар қавий (қучли — Х, С.) эди. Ояндамининг яхши бўлушини истидолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоқлар узокка сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар, бир-икки нафар нафсониятга ботган ва ўлгунча тузолмайтургон қишилар қадима игво ва фасодни ўртага солдилар, натижада Самарқанд халқи иккига бўлунди. Балқи икки эмас, юзга бўлунуб, халқининг қўнгли совуб, баъзиларининг сўз ва ҳаракатларидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар. Букун маъноий ҳақиқийси ила Самарқандда бир жамият йўқ миллат ва дин ояндаси учун натижалик бир сайъ ва ҳаракатни бошқаратургон бир жамият йўқдур, ҳозиргача айтур эдукким, бизнинг миллий ҳаракатимизга ҳукумат монеъдур, аммо энди ўзимиз монеъмиз. Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли қасаба ва агниё! Эй, гайратлик ёшлар! Ниқок ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо ҳақи, арвоҳи анбиё хурмати ва бу кунларда қорнини тўйгазолмайтургон етим ва бевалар ҳақи бири-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холик Худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва гурур эмас. Эй ёшлар! Сиз ҳам бир оз огир ва хушсўз бўлингиз. Хурриятнинг аввалида халойик сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф қўрсатиб, халқнинг ўз борангиздаги хушгумонлигини, афсуским, йўқотдингиз. Мана шу йўқотганингизни қайтариб топмовда ҳаракат, саъй этингиз.

Халқ сизларра майл қилгон эди, сизлар, тўғриси, бажаролмадингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтирунгиз ва бул ёшларга дарси ибрат бўлсун. Мухтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарилар замони ўткан. Сиз қиромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа қесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. Ал-ажла минашайтон!

(Шошилган шайтондандир! бу фикрни бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз

бошингизга тараккий килмогингиз мушкулдур. балки, бутун шахрингиз ва миллатингиз ила тараккий килурсиз.

Ман хам йигирма йилдан бери харакат этаманким, тараккий пайдо бўлсун, шуни сизлар хам билурсизки, ўн ва йигирма нафар ила тараккий бўлмайди ва бўлмас экан, бинобарин, ўрта ва бир кадар имкони кўпрок киши майл килатургон йўл ила тараккий этмок керак ва унсиз бошка чора йўқдир. Муни мен бир неча дафъа сизларга юз ба юз айтганман.

Мухтарам хамшахарларимдан аксари шундай биладурларки, менинг хар сўзумни сизлар кабул киласиз ва сизнинг хар бир ишингиз ме-нинг машваратим ила бўлур. Хайр ундай эмас. Ёшларнинг баъзи бир машварат ва ишларига шерик бўлсалар хам баъзисидан беҳабардурман. Аларнинг барча ишларига мен масъул эмасман. Зотан хеч ким хеч бир кимнинг харакатидан масъул эмасдур.

Азиз хамшахарларимга, мўътабар ахли ватаним, хаммангиз бир бўлуб, халк ва диннинг ривожу учун бирлашуб, орадаги нафратларни ташлаб, Худонинг берган хуррият неъматидан нафъиланмок харакатида бўлмок керак ва ал-он (токи ) бизнинг харакатсизлигимиз биздан хурриятни кеткуриб, яна бошкаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз.

Бизнинг авлодимиз хамда халки олам бизга раҳмат ўрнига лаънат ўкурлар. Бу сўзлар тўгри сўзлардур. Ёш ва қарилардан, албатта, мандан ушбу сўзларим учун ранжийдургонлар бўлур. Аммо начора, тўгрини айтмагунча, ишлар тўгриланмас. Олдимизда шахар думаси сайлуви, мажлиси маъбусон(?) (учредитулная собрания) сайлуви, мамлакат думаси сайлуви турубдур. Агарда Самарканд ёш ва қарилари шу холатда турсалар вой бизнинг холимизга! Халки олам бизга кулар.

Биз янадин бошкаларнинг асири бўлурмиким, бунга тажрибасиз ёшларимиз, тараккийни хохламайтургон катталаримиз сабаб бўлурлар ва хам бизнинг ишсизлигимиз учун бошкалардан кейин қолишимиз муқаррардур. «Колу ал ҳак валу кон маран» — «Тўгрини сўйла аччик бўлса-да!»

Махмудхўжа Бехбудий

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 13 май.